# ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ – ДЕМОКРАТИЯ КЎЗГУСИ

**Дилноза Орзиқуловна Норбоева**
ТВЧДПИ Гуманитар фанлар факультети 2-босқич талабаси

## АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада фуқаролик жамияти тушунчаси, унинг хуқуқий мохияти, бугунги кунда фуқаролик жамиятига ўтиш учун олиб борилаётган ишлар самарадорлиги кўриб чиқилган.

**Калит сўзлар:** фуқаролик жамияти, индикатор, сиёсий партиялар, нодавлат нотижорат ташкилоти, шахс.

# CIVIL SOCIETY – MIRROR OF DEMOCRACY

**Dilnoza Orziqulovna Norboyeva**
2nd year student of the faculty of Humanities,
Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region

## ABSTRACT

This article discusses the concept of civil society, its legal significance, and the effectiveness of the work being done today to transition to civil society.

**Keywords:** civil society, indicator, political parties, NGOs, individual.

## КИРИШ

Мамлакатимизда «Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилини изчил амалга ошириш доирасида аҳоли кенг қатламлари томонидан қўллаб-қувватланадиган, мустақил иш олиб борадиган, барқарор фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ҳамда ривожлантириш учун барча зарур ташкилий-ҳуқуқий ва моддий шароитлар яратилган.

Хусусан, Президентимиз томонидан Фуқаролик жамияти институтларининг ролини янада ошириш бўйича Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида бир қатор муҳим вазифалар белгилаб берилган.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Мамлакатимизни демократик модернизация қилишда фуқаролик жамияти институтларининг роли ва аҳамияти муттасил ошаётгани, фуқаролар, айниқса,

ёшларнинг фуқаролик онги ҳамда сиёсий-ҳуқуқий маданиятининг барқарор ўсаётганидан далолат беради. Бу эса кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, сиёсий партиялар, ҳаракатлар, касаба уюшмалари, жамоат бирлашмалари ва жамғармалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, мустақил оммавий ахборот воситалари фаолиятининг эркинлигини кафолатлайдиган мустаҳкам қонунчилик базаси яратилган. Улар Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг институтлари тузилмасини ташкил этади ва фуқароларнинг мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича муҳим вазифаларни бажаришда фаол иштирокини таъминлашга кўмаклашади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқи, фуқаролик институтларининг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилиш кафолатлари, уларга тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беришга оид тамойиллар мустаҳкамлаб қўйилган. Бу борада қабул қилинган жами икки юздан ортиқ қонун ҳужжатлари мамлакатимизда фуқаролик жамиятини изчил ривожлантиришда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. 2005 йил 23 июнда қабул қилинган «Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга кўмаклашиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорида кўзда тутилган комплекс чора-тадбирларнинг амалга оширилиши ушбу ижобий жараённи ривожлантириш, ижтимоий аҳамиятга эга муаммоларни ҳал этишда фуқаролик институтлари ролини кучайтириш, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий ва ишбилармонлик фаоллигини оширишга ёрдам бермоқда.

Мамлакатда демократик ислоҳотлар самарадорлиги кўп жиҳатдан фуқаролар онги, аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий маданиятининг нечоғли ривожланганига боғликдир. Шу боис мустақилликнинг дастлабки кунларидан ушбу масалага алоҳида эътибор қаратилмоқда. Аҳолида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қонунларни ҳурмат қилиш, ўзининг конституцион ҳуқуқлари, Ватанимиз тақдирига, мамлакатимиз ҳамда дунёда рўй бераётган воқеаларга дахлдорлигини англаш туйғусини шакллантириш муҳим вазифалардандир.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ислоҳотларнинг муҳим вазифаси сифатида инсон ҳуқуқларини таъминлаш, аҳоли ҳуқуқий онги ва маданияти даражасини оширишга доир яхлит тизим яратилган.

Фуқаролик жамияти институтлари Ўзбекистонда аҳолининг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини ошириш, шахс ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш, инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантиришда муҳим омил бўлмоқда.

Буларнинг барчаси Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ва унинг институтларини ислоҳ этиш ҳамда демократлаштириш, ривожлантириш жараёни такомиллашаётганидан далолат беради.

**НАТИЖА**

Бугунги кунда, ҳар бир давлат жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўринга эга бўлиши ва ўз халқига муносиб турмуш даражасини таъминлаши учун энг аввало демократик бошқарув тизими, иқтисодий барқарорлик, мамлакатда қонун устуворлиги ва инсон ҳуқуқларининг таъминланиши, фуқаролик жамияти институтларининг ривожи, аҳолининг ижтимоий-сиёсий маданияти, фуқаролик позициясининг юқорилиги каби кўплаб омиллар асос бўлиб хизмат қилади. Шу ўринда кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантириш ҳар бир мамлакат учун устувор вазифа бўлиб қолмоқда.

Фуқаролик жамияти энг аввало ижтимоий муносабатлар жараёнида ўз аксини топиб, мамлакатда демократия, ҳуқуқий давлат ва шахс эркинликларини таъминлашнинг муҳим кафолати бўлиб хизмат қилади. Фуқаролик жамиятида ижтимоий ҳаётга ва унинг доимо тараққий этиб боришига жуда катта аҳамият берилади. Унинг асосий мақсади инсоннинг муносиб ҳаёт кечиришини, барча ҳаётий орзу-мақсадлари шу жамиятдаги сиёсий ташкилотлар, ижтимоий институт, гуруҳ, оила ва бошқа жамоат бирлашмалари орқали амалга оширилишини таъминлашдир. Бу сиёсий ташкилотлар, ижтимоий институтлар ва гуруҳлар ҳар бир инсонга ўзи яшаётган жамиятда ҳокимиятнинг манбаи эканлигини, ҳуқуқ ва эркинликлари, қобилияти ва ҳаракати, обрўси юксак қадрият эканлигини тушунтиришга ёрдам берадилар. Инсонлар ушбу ташкилот ва бирлашмалар орқали ўзларининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий, маданий ва бошқа мақсадларини амалга оширадилар.

Фуқаролик жамияти бозор иқтисодиёти ва демократик ҳуқуқий давлат шароитидагина давлат тасарруфида бўлмаган ташкилотлар, уюшмалар, эркин ва тенг ҳуқуқли индивидларнинг ўзаро плюрализмига асосланган муносабатлар уйғунлигидан ташкил топади[1].

Фуқаролик жамиятининг бирламчи асоси бу энг аввало шахс бўлиб, ва ундан кейин унинг томонидан асос солинган ижтимоий институтлар ҳисобланади. Ҳар бир шахс оила аъзоси, жамоат бирлашмаси иштирокчиси ёки ижтимоий институт фаоли сифатида фуқаролик жамияти ичидаги ҳуқуқий муносабатлар жараёнида иштирок этади. Шунинг билан бирга, инсонлар умумий муаммоларини биргаликда ҳал қилиши, жамиятнинг барча соҳаларида ўзларининг талаб ва манфаатларини ҳимоя қилишида фуқаролик жамиятининг

муҳим ва ажралмас элементи ҳисобланган фуқаролик жамияти институтлари асосий рол ўйнайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига кўра «Ўзбекистон Республикасида қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, олимларнинг жамиятлари, хотин-қизлар, фахрийлар ва ёшлар ташкилотлари, ижодий уюшмалар, оммавий ҳаракатлар ва фуқароларнинг бошқа уюшмалари жамоат бирлашмалари сифатида эътироф этилади»[2].

Фуқаролик жамияти мезонлари

Маълумки, бугунги кунда дунё бўйича фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва ривожланишини илмий-назарий ҳамда амалий тадқиқотлар асосида таҳлил қилиш кучайиб бормоқда. Шу ўринда, фуқаролик жамияти ривожланиш даражасини ўлчаш омили эмпирик тадқиқотларнинг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Замонавий сиёсий-ҳуқуқий фанларда ҳар бир мамлакат мисолида фуқаролик жамияти ва демократиянинг ривожланиш даражасини аниқловчи кўплаб мезон – индикаторлар ишлаб чиқилган бўлиб, улар тадқиқотлар давомида самарали қўлланилиб келинади.

Маълумки, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда ҳам ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий соҳаларда кўплаб ўзгаришлар содир бўлмоқда. Жамиятимизда шаклланаётган янги иқтисодий тизим билан бир қаторда, фуқароларимизнинг сиёсий тафаккурида ҳам юксалиш кузатилмоқда. У янги йўналиш ва компонентлар билан бойиб бормоқда. Шулардан келиб чиқиб, Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида қуйидаги мезон (индикатор)ларни ишлаб чиқишга ҳаракат қилдик:

Биринчидан, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолият юритиши учун қонунчилик асосларининг яратилиши

Мазкур соҳага қаратилган 200 дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилинган бўлиб, улар жумласига «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги (1991 й.), «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги (1999 й.), «Жамоат фондлари тўғрисида»ги (2003 й.), «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги (2014 й.), «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги (2018 й.) қонунларни санаб ўтишимиз мумкин.

Шунингдек, мамлакатда нодавлат нотижорат ташкилотлари сон жаҳатдан ҳам ўсиб бормоқда. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда 9 мингдан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилоти мавжуд ҳамда 30 та халқаро ва хорижий ноҳукумат ташкилотларининг филиал ва ваколатхоналари фаолият юритмоқда[3].

Иккинчидан, фуқаролик жамияти институтлари фаолияти ривожланишининг иқтисодий ва ташкилий кафолатларини шаклланиши. Мазкур соҳада 2008 йилда қабул қилинган «Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбилари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма қарори аҳамиятга эгадир. Шу асосида Парламент ҳузурида нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фондининг ташкил этилиши ҳамда Фонд маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси тузилиши ўзига хос ижобий ҳодиса бўлди дейишимиз мумкин.

Учунчидан, оммавий ахборот воситаларининг очиқлиги ва самарали фаолиятининг тобора кенгайиб бориши

Фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида аҳолининг ахборотга бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондириш, шу билан бирга, уларнинг онги, дунёқараши ва сиёсий маданиятини юксалтириш, фуқаролик позициясини мустаҳкамлашда оммавий ахборот воситалари муҳим ўринга эга бўлади. Мазкур соҳада ўндан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилинган бўлиб, бугунги кунга келиб, мамлакатда 1 минг 500 дан зиёд оммавий ахборот воситаси фаолият кўрсатмоқда[4]. Улар мулк шакли, йўналиши, ахборот узатиш воситаларига кўра турличадир. Лекин, шунга қарамай Ўзбекистонда кўпчилик ОАВлари ҳалигача расмиятчилик асосида фаолият юргизади. Уларда мустақил фикрнинг дифицити ва ноплюралистик кайфият устуворлик қилиб келмоқда.

Тўртинчидан, фуқаролик жамиятининг энг асосий бўғинларидан бири ҳисобланган – ўзини ўзи бошқариш тизимининг янада такомиллашуви. Мустақиллик йилларида ўзини ўзи бошқарув – маҳаллалар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш ва янада ривожлантиришга эътибор қаратилди. Бу институтнинг мамлакат сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётининг ажралмас бўғини сифатида шакллантириш, унинг учун зарур моддий ва молиявий шарт-шароитлар яратилди. Бугунги кунда, республикада маҳаллалар сони 10 мингга яқинни ташкил этмоқда.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, маҳалла фуқаролар йиғинларини Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг том маънодаги таянчи бўлишига тўсқинлик қилаётган омиллардан бири – бу уларнинг ташкилий функцияларининг самарали йўлга қўйилмаганидир. Масалан, амалдаги қонунчиликка мувофиқ маҳалла фуқаролар йиғини раиси (оқсоқол) ва унинг маслаҳатчилари бевосита маҳалла фуқаролари томонидан сайланиши белгилаб қўйилган бўлсада, аммо уларнинг сайлов жараёнларига туман (шаҳар)

ҳокимиятларининг бевосита аралашуви кузатилади. Амалда эса бу фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари – маҳаллалар аҳолининг манфаатларига хизмат қилиш, ҳудуддаги ижтимоий масалаларни ҳал қилиш ва фуқароларни қийнаётган муаммоларни давлат органларига етказиш ўрнига, ҳокимиятнинг вазифалари ва «юқоридан» келадиган топшириқларни бажариш билан чекланиб қолишига олиб келади. Мазкур ҳолатда шуни таъкидлаш лозимки, айрим маҳалла фуқаролар йиғинлари маҳалла аҳолисидан маънавий жиҳатдан йироқлашган ва аслида давлат аппаратининг бир қисмига айланиб қолган.

## МУҲОКАМА

Илмий изланиш ва таҳлиллар натижасида айрим омилларни алоҳида таъкидлаш мумкинки, бугунги кунда, Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятида айрим камчилик ва муаммолар мавжуд. Булар жумласига:

1) Нодавлат нотижорат ташкилотлари (ННТ) ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини молиялаштириш масаласи ҳануз долзарблигича қолмоқда. Парламент ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди томонидан ажратиладиган маблағлар мамлакатда ННТларнинг миқдор ва сифат жиҳатдан ўсишига номутаносиб ҳолатда қолиб келмоқда. Кейинги пайтларда Фонд томонидан ННТларга ажратилаётган молиявий маблағ ва ёрдамнинг ҳаддан ташқари марказлашуви ва монополлашуви ҳолатлари ҳам кузатилмоқда.

ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини молиялаштириш масаласида дунёнинг ривожланган мамлакатларида кенг қўлланиладиган аъзолик бадаллари, хайрия ёрдамларининг етарли даражада эмаслиги, умуман олганда маҳаллий ННТларда самарали фандрейзинг стратегиясининг мавжуд эмалгини ҳам эътироф қилишимиз лозим.

2) Сўнги икки йил давомида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг бевосита ташаббуси билан ННТлар фаолиятини такомиллаштириш бўйича бир қанча амалий ишлар олиб борилди. …Аммо ана шундай муҳим саъй-ҳаракатларга қарамасдан, аҳолининг муаммоларини тизимли ўрганиш, уларни аниқ ҳал этиш, айниқса, ижтимоий шароити оғир аёлларни қўллаб-қувватлаш, ёшлар ва хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, уларни иш билан таъминлаш масалаларида бу ташкилотларнинг иштироки етарли даражада сезилмаяпти. Улар фақат номига

йиғилишлар ўтказиш билан машғул бўлиб қолмоқда.

3) Бугунги кунда, турли даражада фаолият олиб борувчи ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ўз профессионализми ва компетенциясини ошириб бориши, ўзининг ташкилий, моддий-техник базасини мустаҳкамлаши, бир сўз билан айтганда, жамиятда ўз легитимлигини таъминлаши бугунги куннинг долзарб масаласидан бириди.

## ХУЛОСА

Фуқаролик жамиятининг мазмун-моҳияти, унинг ижтимоий-сиёсий шароитларда фаолияти тўғрисидаги турли хил илмий қарашлар таҳлилини умумлаштирган ҳолда шуни таъкидлаш лозимки, фуқаролик жамияти бу давлат томонидан тўғридан-тўғри тартибга солинмайдиган ва бошқарилмайдиган эркин фуқаролар, жамоат ташкилотлари ва кўнгиллилар уюшмаларининг ўзаро самарали ижтимоий алоқалари тизимидан ташкил топади. Фуқаролик жамияти ўзининг коммуникацияларини, мамлакатнинг иқтисодий ва сиёсий соҳаларига тегишли принциплардан фарқ қиладиган, ўзига хос қонуниятлар – тенглик, бирдамлик, очиқлик, ўзаро ҳурмат, ишонч асосида шакллантирилади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, «фуқаролик жамияти» категорияси қачонки шахс ва жамият тафаккурида ижтимоий қадриятга айлангандагина, том маънодаги кучли фуқаролик жамияти қурилишига асос бўлиши мумкин.

## REFERENCES

1. Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: генезиси, шаклланиши ва ривожланиши. Т., Ўзбекистон, 2010. Б.247.
2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Тошкент. “Ўзбекистон”, 2019, 13-бет.
3. ННТ ва диний ташкилотлар соҳасида амалга оширилган ишлар. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги маълумотномаси. http://www.minjust.uz/uz/activity/nnosphere/89267/?print=Y.
4. Hojiyev R.B., Xolmo`minov G.B., Sharipov M.L. (2020) Raising a Harmoniously Developed Generation is a Priority of Democratic Reforms in Uzbekistan // *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences*, №8(5). 1-3.
5. Хажиев, Р.Б. (2014) Факторы развития общественной активности у студентов и молодёжи. *Молодой ученый,* №*20*, С. 532.
6. Hojiyev R. B., Adilov Z. Y. (2017) The source of developing intellectual ability. *Молодой ученый*, №*22 (4),* С. 389-393.

7. Хажиева, М.С., Хажиев, Р. Б. (2015) Роль молодёжи в реализации социальной активности толерантности. Журнал научных публикаций аспирантов и докторантов. №2, 30-32.
8. Khodjiev, R.B. (2015) The Conceptions on Developing Student Youth Social Activity. *Austrian Journal of Humanities and Social Sciences*, №*1-2*, P. 52.
9. Икрамов Р.А., Хожиев Р.Б. (2020). Воспитание гармонично развитого поколения является приоритетом государственной молодежной политики. Вестник науки и образования. № 14 (92). Часть 1. С. 88-90.
10. Maksuda Khajieva, Rasulbek Khajiev (2015). The Role of the Tolerance in Society and its Philosophical Interpretation. Young scientist. Vol. 2. P. 159-161.
11. Umid Abdalov, Rasulbek Hadjiyev (2015). The Role of Community in the Development of Society of Citizenship. Young scientist. Vol. 2. P. 107-109.
12. Makhmudova, N.D., Hojiyev R.B. (2014). The scientific inheritance of great ancestors who worked in the mamun Academy. Сборники конференций НИЦ Социосфера. Issue 45, С. 34-35.
13. Хажиева, М.С., Хожиев Р.Б. (2014). Хусайн воиз кошифийнинг гуманистик ғоялари. Сборники конференций НИЦ Социосфера. С. 148-150.
14. Хажиева, М.С., Хожиев Р.Б. (2014). Толерантлик ва унинг хусусиятлари. Сборники конференций НИЦ Социосфера. С. 39-40.
15. Атажанова, Р. Р. (2020). Рабочая тетрадь по изобразительному искусству как средство повышения крэативного мышления самостоятельной работы учеников в младших классах. Academic Research in Educational Sciences, 1(2), 201-204.
16. Халилов Р. Ш., Атажанова Р. Р. (2018). Использование рабочей тетради в обучении изобразительной деятельности в начальном классе. Молодой учёный, № 7 (193). 196-199.